



“ 23 ” 1 2015 y № 2

**“Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича қўлланма”га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш услубиятини такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 31 майдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган “Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича қўлланма”га иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2015 йил 2 февралдан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Тўраев

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг  
2015 йил “ 23 ” 1  
2 -сон қарорига  
ИЛОВА

**“Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати  
далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини  
кодлаштириш бўйича қўлланма”га киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг 8-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а), б), в), г) кичик бандларида кўрсатилган манбалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 23 октябрда 234-мх сон билан тасдиқланган буйруқнинг (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) 1-4-иловаларида, шунингдек д), е) кичик бандларида кўрсатилган манбалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сон буйруғи (рўйхат рақами 698, 1999 йил 9 апрель) билан тасдиқланган Йўриқноманинг 43-банди 6-7-иловаларида келтирилган”.

2. 3-банд 5-8-хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳамда ўлим ҳақида далолатнома ёзувлари) маълумотлари аҳолининг табиий ҳаракати маълумотларини шакллантиришда фойдаланилади. Бунда туғилган бола ота-онасининг, ўлганлар, никоҳ тузганлар ва никоҳдан ажралганлар уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойлари бўйича ҳисобга олинади.

Хорижий давлатда ўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига “Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома” ўлим содир бўлган хорижий давлатнинг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан расмийлаштирилган тақдирда, ушбу ўлган фуқаролар бўйича статистик ҳисоб алоҳида тартиб асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари белгиланган тартибда умумий асосларда кодлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан 2014 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли миграцияси

тўғрисидаги идоравий маълумотларни электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш юзасидан ҳамкорлик қилиш ҳақида”ги 6-қ, 43-сонли қарроларига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан тақдим этилган электрон маълумотлар базасининг электрон кодлаштириш ҳолатлари текширилади ва зарурий ҳолатларда кодларга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Ўз ўрнида, киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ойда бир мартаба умумлаштирилган ахборотлар Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига тақдим этилади”.

3. 5-бандда:

3)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3) боланинг туғилган вақти, вазни ва бўйи (5-банд). Махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Агарда ой кўрсатилмаган бўлса – “16” қўйилади; вазни кўрсатилмаган бўлса – “9999” қўйилади; бўйи кўрсатилмаган бўлса – “99” қўйилади”;

4)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4) туғилган жойи ва доимий яшаш жойи (6-банд). Туғилган жойи МҲОБТ ва “Жаҳон мамлакатлари” статистик таснифлагичи асосида кодлаштирилади. Доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ кодлаштирилади (онаси ёки отасининг доимий яшаш жойи бўйича). Доимий яшаш жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг қисмида кўрсатилади.

Агар ота-онанинг доимий яшаш жойи номаълум бўлса, далолатноманинг юқори ўнг қисмида рўйхатга олиш амалга оширилган ФХДЁ жойлашган ҳудуднинг коди қўйилади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади”.

11)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11) ота (она) нинг миллати (15-банд). Ушбу қўлланманинг иловасига\* мувофиқ кодлаштирилади. Далолатномада кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, агар миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади. Туғилган боланинг миллати онасининг миллатига қараб ҳисобга олинади;”.

4. 7-бандда:

9)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9) доимий яшаш жойи (13-банд). Доимий яшаш жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. Агар никоҳланувчиларнинг доимий яшаш жойи умумий, яъни никоҳланувчиларнинг иккаласи битта туманнинг битта шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктида яшаётган бўлса, шу жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади.

Агар никоҳланувчиларнинг доимий яшаш жойи бошқа-бошқа ҳудудда бўлса, никоҳланувчиларнинг бирининг доимий яшаш жойи коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади.

Агар никоҳланувчилар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, никоҳни рўйхатга олувчи ФХДЁ бўлимнинг жойлашган манзил коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. ФХДЁ бўлими манзили далолатноманинг юқори чап бурчагидаги ёки далолатноманинг охиридаги муҳрда кўрсатилган бўлади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади”.

5. Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати бўлимнинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. “Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдириш қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мқ-сонли буйруғига (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) 5-илова”.

6. 2-банднинг 4-хатбошида, 5-банднинг 12)-кичик бандида, 6-банднинг 4)-кичик бандида, 7-банднинг 4)-кичик бандида, 8-банднинг 4)-кичик бандида, 9-банднинг 6)-кичик бандида, 10-банднинг 6)-кичик бандида келтирилган “Дунё мамлакатлари” сўзлари “Жаҳон мамлакатлари” сўзлари билан алмаштирилсин.